



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Uzun tumani, O'zbekiston ko'chasi 7-uy. 191100. tel.: (+99876) 44-73-545, uzun.t@exat.uz

2021 - yil 9 - iyun

22-8-118-Q/21

Uzun tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021 йилда
худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил
этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 майдаги 324-
сон ҳамда вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги 2021 йил 8 июндаги 24-8-0-
Q/21-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳақида**

Тармоқлараро саноат ярмаркалари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан республикадаги йирик саноат ташкилотлари ўртасида тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021 йилда худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 майдаги 324-сон ҳамда вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги 2021 йил 8 июндаги 24-8-0-Q/21-сон қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорга кўра 2021 йилда худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини қуйидаги икки босқичда:

I босқич - 2021 йилнинг май-октябрь ойларида республика худудларида йирик саноат ташкилотларининг ихтисослашуви асосида худудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш;

II босқич - 2021 йилнинг 22-28 ноябрь кунлари 2022 йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш бўйича республика тармоқлараро

саноат ярмаркасини ўтказиш маъқулланганлиги;

Тасдиқланган режа жадвалига асосан Сурхондарё вилоятида 2021 йил сентябрь ойида “Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, доривор ўсимликларни қайта ишлаш, транспорт ва логистика соҳалари” бўйича ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2021 йилда саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1 -иловага мувофиқ;

2021 йилда саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш чоратадбирлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркасига сифатли тайёргарлик кўриш ва ўз муддатида ўтказилиши, Республика тармоқлараро саноат ярмаркасида фаол иштирок этиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Ишчи гуруҳ аъзолари ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказишда ҳамда Республика тармоқлараро саноат ярмаркасида иштирок этишда:

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида узоқ муддатли барқарор кооперация алоқалари ўрнатилиши маҳаллий хомашё ва саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш иштирокчилари ва лойиҳалари сонини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини саноат кооперациясига кенг жалб этишга;

ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларида 2021-2022 йилларда маҳсулот харид қилиш бўйича шартномалар тузилиши, шунингдек, илгари импорт қилинган маҳсулотларни ўзлаштиришда техник ҳамкорлик қилиш меморандумлари шакллантирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бутловчи қисмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузилишига;

янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини жойлаштириш масалаларида, шу жумладан, кичик саноат зоналари ва эркин Иқтисодий зоналар ҳудудида (ишлаб чиқариш йўналиши

бўйича) ер майдонлари ажратилишига кўмаклашсинлар.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Ш.Мақсудов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Статистика бўлими (Ш.Холназаров), алоқадор ташкилотлар билан биргаликда:

худудий йирик саноат ташкилотлари томонидан фойдаланиладиган хомашёлар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуна ва тайёр маҳсулотлар рўйхати тўғрисида электрон маълумотлар, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш истагини билдирган салоҳиятли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига худудий тармоқлараро саноат ярмаркаси ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин етказилишини таъминлаш;

худудий тармоқлараро саноат ярмаркаси доирасида техник ҳамкорлик қилиш меморандумларини, шу жумладан, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар бўйича муҳандислик-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш, шунингдек, мақсадли сифат кўрсаткичларига эришиш юзасидан амалий чоралар кўрсин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Ядгаров, туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Мақсудов, тумандаги мутасадди ташкилот раҳбарларига худудий тармоқлараро саноат ярмаркасини ўтказишга сифатли тайёргарлик кўриш ва уларнинг ўз муддатида ўтказилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

8. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 8 июндаги 24-8-0-Q/21-сон қарори билан вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Исмоилов), Миллий гвардия вилоят бошқармаси (Ш.Саидов), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Н.Кадиров), Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдихидов), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази (А.Мустанов) ярмарка ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби, ёнғин хавфсизлиги ҳамда карантин қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чораларини кўриш вазифаси юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Ядгаров ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Мақсудовлар зиммасига юклансин.

Ҳоким



TURSUNOV B. B.

Узун туман ҳокимининг
2021 йил 9 июндаги
22-8-118-Q/21-сон қарорига
1-илова

**2021 йилда Сурхондарё вилоятида ҳудудий тармоқлараро саноат
ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

1. Б.Турсунов - Туман ҳокими, *Ишчи гуруҳ раҳбари*
- Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва
2. Ш.Ягаров камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи
ўринбосари, *Ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари*
3. Ш.Мақсудов - Туман ҳокимининг ўринбосари - Инвестициялар ва ташқи
савдо бўлими бошлиғи, *Ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари*
4. Н.Мажидов - Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари
бўйича ўринбосари
- Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш,
5. А.Ишмурзаев капитал курилиш, коммуникация ва коммунал хўжалик
масалалари бўйича ўринбосари
6. А.Бойматов - Савдо-саноат палатаси туман бўлими бошлиғи
7. Б.Баратов - Молия бўлими бошлиғи
8. Лавозимига кўра - Тижорат банклари бошлиғи
9. Ш.Рахмонов - Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
10. Ш.Холназаров - Статистика бўлими бошлиғи
11. С.Исмаатов - Маданият бўлими бошлиғи
12. Келишув асосида - Тумандаги йирик саноат корхоналари раҳбарлари

*Изоҳ: Зарур ҳолларда ишчи гуруҳ таркибига бошқа ташкилот
раҳбарлари ҳам жалб қилиниши мумкин. Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга
ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки
тегишли функцияларни бажариши юклатилган шахслар киритилади.*

Узун туман ҳокимининг
2021 йил 9 июндаги
22-8-118-Q/21-сон қарорига
2-илова

**2021 йилда туманда саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда
Республика тармоқлараро саноат ярмаркасида иштирок этиш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

№	Чора-тадбирлар номи	Муддати	Масъуллар	
			Корхона ва ташкилотлардан	Туман ҳокимлигидан
Худудий тармоқлараро саноат ярмаркаси бўйича				
1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 майдаги 324-сонли қарорини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиш.	Қарорда белгиланган муддатда	Тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
2.	Саноат ярмаркаси ташкилий Ишчи гуруҳининг йиғилишини ташкил этиш. Йиғилишда худудий тармоқлараро саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олиш.	Ярмаркани ўтказишдан 15 кун олдин	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
3.	Худудий тармоқлараро саноат ярмаркасида (кейинги ўринларда - саноат ярмаркаси) катнашиш учун ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш ва жалб этиш.	Ярмаркани ўтказишдан бир ой олдин	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), тегишли корхона ва ташкилотлар, Туман “Боботоғ тонги” газетаси (И.Бобокалонов)	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
4.	Саноат ярмаркаси иштирокчилари рўйхатини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан намоиш этиладиган янги турдаги маҳсулотларни, шунингдек, йирик саноат ташкилотлари томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар (хомашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, ускуна ва материаллар) рўйхатини шакллантириш ҳамда электрон кооперация портали (cooperation.uz) орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етказиш.	Ярмаркани ўтказишдан бир ой олдин	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Статистика бўлими (Ш.Холназаров)	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
5.	Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан саноат ярмаркасида намоиш қилиниши таклиф этилаётган янги турдаги маҳсулотларнинг дастлабки рўйхатини ишлаб чиқиш.	Ярмаркани ўтказишдан бир ой олдин	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов)	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
6.	Туманда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни саноат ярмаркаларида намоиш этиш учун электрон кооперация порталига (cooperation.uz) тегишли маълумотларни жойлаштириш. Бунда, йирик саноат ташкилотлари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш меморандумини тузиши, маҳсулотни ўзлаштириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилиниши ва ҳамкорлик доирасида йирик саноат ташкилотлари томонидан техник шартларнинг берилишини электрон кооперация портали орқали амалга ошириш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Статистика бўлими (Ш.Холназаров), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), Давлат солиқ бўлими (Р.Боймирзаев), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
7.	Кўргазма стендлари макетларини, тадбир дастурини, саноат ярмаркалари очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийларини, саноат ташкилотлари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тақдиротлари жадвалини ишлаб чиқиш.	Ярмаркани ўтказишдан ўн кун олдин	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
8.	Худудий саноат ярмаркалари иштирокчилари стендларини жойлаштириш ҳамда дизайнини ишлаб чиқиш. Бунда, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар таркибинини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштирилган ҳамда ишлаб чиқарилиши тавсия этиладиган маҳсулотларни кўргазмали намоиш этишга алоҳида эътибор бериш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов

9.	Хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат ташкилотларининг келгуси давр учун хомашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, ускуна ва материалларга бўлган эҳтиёжини ишлаб чиқиш, саноат ярмаркалари иштирокчилари учун ишлаб чиқариш фаолиятида талаб этиладиган маҳсулотлар тўғрисида тақдимотлар ўтказилишини ҳамда электрон кооперация порталида ёритиб борилишини таъминлаш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
10.	Саноат ярмаркасини юқори даражада ўтказилишини таъминлаш мақсадида ярмарка худудини ободонлаштириш ҳамда конференция ўтказиш жойини тайёрлаш ва безаш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида	Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
11.	Саноат ярмаркаси иштирокчилари учун стендларни ўрнатиш ва лойиҳалаш ишларини яқунлаш.	Ярмаркани ўтказишдан 4 кун олдин	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
12.	Саноат ярмаркаси давомида электрон кооперация портали (cooperation.uz) орқали маҳсулотларни харид қилиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандумлар тузиш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
13.	Саноат кооперацияси бўйича тузилган шартномалар миқдори, ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар турлари, янги юқори технологик маҳсулотлар ва инновацион ишланмалар ва бошқалар бўйича энг яхши натижаларга эришган худудий тармоқлараро саноат ярмаркаси иштирокчиларини рағбатлантириш.	Ярмарка якуни билан	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
14.	Янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, саноат ярмаркаси яқунлари бўйича бажарилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида маълумот тақдим этиш.	Ярмарка якуни билан	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
15.	Саноат ярмаркаси ташкилий Ишчи гуруҳининг йиғилишини ташкил этиш. Йиғилишда саноат ярмаркаси натижаларини, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ишларини янада тақомиллаштириш ҳамда самарадорликка эришиш чора-тадбирларини белгилаб олиш.	Ярмарка якуни билан 3 кун муддатда	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
Ташкилотлар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириб бориш, ушбу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокчини фаоллаштириш таклифларини тайёрлаш				
16.	Худудий ва тармоқ ташкилотлари томонидан электрон кооперация порталида (www.cooperation.uz) маълумотларни жойлаштириш ва доимий янгиланишини таъминлаш, хусусан: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар; ўзлаштириладиган янги турдаги маҳсулотлар; барқарор талабга эга ҳамда ривожланиши истикболли бўлган ташкилотлар импорт товарлари; ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда масъул бўлган раҳбарлар тўғрисидаги маълумотларни (шахснинг алоқа маълумотлари ва х.к.).	Доимий	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
17.	Саноат ярмаркалари натижалари бўйича саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича таклифларни инвентаризация қилиш, саноат кооперацияси учун маҳсулот етказиб бериш шартномалари реестрини, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш меморандумларини шакллантириш. Тайёрланган маълумотларни Ишчи гуруҳига киритиш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида Ярмарканинг якуни билан	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
18.	Саноат ярмаркаси доирасида импорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг турларини ишлаб чиқариш кооперацияси, шу жумладан, инвентаризация натижаларига кўра кичик корхоналарни жалб қилиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш. Тайёрланган маълумотларни Ишчи гуруҳига киритиш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида Ярмарканинг якуни билан	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
19.	Ишлаб чиқариш қувватлари ва технологик қайта тақсимотлардан самарали фойдаланиш асосида кичик корхоналар имкониятларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни ташкил этиш. Тайёрланган таклиф ва маълумотларни Ишчи гуруҳига киритиш.	Ярмаркани ўтказиш доирасида Ярмарканинг якуни билан	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов

20.	Саноат ва ҳудудий корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ишлаб чиқарилиши тақлиф этилаётган импорт ўрнини босувчи ҳомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар тўғрисида маълумотлар билан таништириш, шунингдек, ушбу маълумотларни электрон кооперация порталидаги виртуал кўргазмаларда жойлаштириш (cooperation.uz).	2021 йил май-декабрь ойларида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
21.	Импорт таркиби ва ички бозор эҳтиёжлари таҳлили асосида ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш тавсия этилаётган маҳсулотларга буюртмалар бериш.	Ҳудудий ярмаркалар доирасида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
22.	Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қуйидаги масалаларда ёрдам кўрсатиш: уларга бўш бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган технологик ускуналарни ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун асбоб-ускуналарни ижарага бериш; ўзлаштирилаётган маҳсулотлар учун техник параметрлар ва сифат талабларини мувофиқлаштириб бориш.	Доимий	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси				
23.	Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси (кейинги ўринларда - республика саноат ярмаркаси) доирасидаги тақлифлар асосида кичик бизнес билан кооперация алоқаларини ривожлантиришни ўрганиш, ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жалб қилишда маҳаллий корхоналар ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш. Ихтисослашган ташкилотларнинг республика саноат ярмаркасида янги алоқалар ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш доирасида янги технологиялар ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини, шунингдек, талаб этиладиган маҳсулотлар бўйича тақлифларни тақдим этиш.	2021 йил октябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
24.	Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш тадбирлари асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот техник параметрлари ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш ечимини ишлаб чиқиш.	Республика тармоқлараро саноат ярмаркасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
25.	Саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича электрон кооперация порталида тузилган шартномаларнинг дастлабки реестрини шакллантириш.	2021 йил 22-28 ноябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
26.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини таъминлаш мақсадида ихтисослашган корхоналар сонидан келиб чиқиб, рўйхатга киритиладиган маҳсулотларни танлаш.	2021 йил 1 ноябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
27.	Республика саноат ярмаркаси иштирокчилари стендларини ўрнатиш ва лойиҳалаш ишларини якунлаш.	2021 йил 20 ноябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
28.	Электрон кооперация порталида ярмарка доирасида тузилган шартномалар ҳажми ва соҳалар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаш.	2021 йил 22-27 ноябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Х.Саидов), Савдо-саноат палатаси туман бўлими (А.Бойматов), Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (Ж.Якубов), тегишли корхона ва ташкилотлар	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
Реклама компанияси, оммавий ахборот воситаларида республика тармоқлараро саноат ярмаркасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида ахборотларни кенг жамоатчиликка етказиш				
29.	Республика ва ҳудудий саноат ярмаркалари ўтказилиши ҳақида ёритиб бориш.	Ҳудудий ва Республика ярмаркалари давомида	Туман "Боботоғ тонги" газетаси (И.Бобокалонов)	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
30.	Республика ва ҳудудий саноат ярмаркалари режалаштирилган тадбирлари ҳақида (қундалик) рекламаларни жойлаштириш.	Ҳудудий ва Республика ярмаркалари давомида	Туман "Боботоғ тонги" газетаси (И.Бобокалонов)	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов

31.	Республика ва худудий саноат ярмаркалари тадбирлари, уларни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари, кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича корхоналар тажрибаси ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	Худудий ва Республика ярмаркалари давомида	Гуман “Боботоғ тонги” газетаси (И.Бобокалонов)	Ш.Ядгаров, Ш.Максудов
-----	---	--	--	--------------------------